O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 26 август, № 169 (4322) Якшанба

# ШАРҚ ГАВҲАРИ, ЗАМИН САЙҚАЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.**



*Мустақиллик аждодларимиз томонидан яратилган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз тарихи илдизларини ўрганиш, ўзлигимизни англаш ва намоён этиш имконини берди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан улуғ боболаримизнинг таваллуд саналари кенг нишонланиб, уларнинг илмий ва маънавий мероси чуқур ўрганилмоқда, қадамжолари ободонлаштирилаётир. Тарихи минг йиллар билан ўлчанадиган Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарларимизнинг дунё цивилизациясида тутган ўрни халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди.*

*Истиқлол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этмоқда. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги муносабати билан қадимий расадхона ва буюк аллома мадрасаси қайта таъмирланди. Мамлакатимизда 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги шарафига Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Президентимиз фармонига мувофиқ ўша йилнинг 18 октябрь куни Самарқанд шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд куни сифатида тантана қилинади.*

*Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий каби буюк боболаримизнинг таваллуд айёмлари муносабати билан уларнинг муқаддас қадамжолари обод зиёратгоҳларга айлантирилди.*

*Бугун халқимиз дунёда ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари номлари билан машҳур бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ тўйини байрам қилмоқда.*



Регистон майдони. Соат 19.00.

...Минглаб чироқлар Самарқанд осмонидаги юлдузлар билан туташиб кетгандек. Хаёлчан миноралар ўз тенгдошлари — асрий оҳангларни интиқлик билан кутаётгандек. Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасаларини туташтириб турган муаззам майдондаги улкан амфитеатр тантана иштирокчилари — кенг жамоатчилик вакиллари билан тўлган. Улар орасида хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, "Шарқ тароналари" олтинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндалари, хорижий журналистлар, сайёҳлар бор.

Анжуман аҳли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, улар сиймосида бутун халқимизни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи билан муборакбод этди. Бугунги байрам, Самарқанд шаҳрининг бетакрор жамоли, юртимиздаги тинчлик-барқарорлик истиқлолимизнинг буюк неъмати эканини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда, жумладан, Самарқандда амалга оширилган ўзгаришлар, улкан қурилиш ва таъмирлаш ишлари бунёдкор халқимизнинг салоҳиятини, тафаккур қудратини, истеъдод ва маҳоратини ўзида намоён этишини қайд этди. Юртбошимиз бугун бошланаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа анжумани қатнашчиларини самимий қутлаб, уларга инсоният тафаккурининг бетакрор хазинаси, маънавий камолот рамзи бўлмиш мусиқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятларида янги ютуқлар, фестиваль ишига муваффақият тилади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали тили, дини, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни мусиқа орқали бирлаштиришга, Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилишга, анъаналарини асраш ва ривожлантиришга, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилмоқда. Фестивалнинг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилиши унинг сиёсий-маънавий аҳамияти нақадар юксаклигидан далолатдир.

Илк фестивалда жаҳоннинг 32 мамлакатидан вакиллар иштирок этган бўлса, бу гал элликдан ортиқ давлатдан санъаткорлар қатнашаётгани ҳам мазкур халқаро мусиқа анжуманининг дунёда нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Самарқанд тарихини ўрганиш ишлари изчил давом эттирилди. Хусусан, Афросиёб тепаликларида олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқотлар натижасида шаҳар аркининг энг қуйи қатламлари тўла ўрганилди. Арк сатҳидан 10-15 метр чуқурликдан ибодатхона, сарой ва қалинлиги етти метрдан ортиқ мудофаа девори қолдиқлари топилди. Эрамиздан аввалги VIII-VII асрда бунёд этилган бу девор Марказий Осиёдаги энг қадимий мудофаа истеҳкоми ҳисобланади. Бу ердан топилган кўҳна буюмлар Франция илмий тадқиқотлар миллий марказига қарашли лабораторияда тадқиқ қилинди. Таҳлиллар Афросиёб ашёлари 2750 йиллик тарихга эга эканини кўрсатди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 2005 йил 20 октябрда ўзининг 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. 2006 йил 25 июлда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Неча асрларки, Самарқанд инсон ақл-заковатининг маҳсули бўлган бетакрор тарихий обидалари билан башариятни ҳайратга солиб келади. Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ Регистон ансамбли тўлиқ таъмирланди. Атрофи ободонлаштирилди. "Чорсу" тарихий биноси

(Давоми 2-бетда).



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сизлар билан мана шу қадимий ва муқаддас заминда, не-не тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган Регистон майдонида дунёнинг энг кўҳна ва бетакрор шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик табаррук тўйи муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Бугунги қутлуғ сана билан сизларни, аввалambor Самарқанд аҳлини, бутун халқимизни, узоқ-яқин ҳудуд ва минтақаларда яшаб, бу шаҳарга меҳр қўйган, бу гўзал маскан юрагида ёрқин из қолдирган барча инсонларни, бир сўз билан айтганда, Самарқанднинг ҳақиқий дўст ва қадрдонларини самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Шулар қаторида нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО иштирокида ўтаётган бугунги байрамимизда қатнашаётган барча чет эллик меҳмонларимиз ва хорижий давлатларнинг элчиларига ўз номимдан, эл-юртимиз номидан юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадрли дўстлар!

Самарқанд деганда, ҳар қандай инсоннинг ҳам қалбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир кўрган одам, қани энди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар хаёлимизда намоён бўлади.

Самарқанд деганда, ўзининг мусаффо осмони, ёқутдек ёрқин юлдузлари, шифобахш ҳавоси, унумдор тупроғи, мовий гумбазлари, ўлмас тарихий обидалари билан барчани ҳайратга соладиган мўъжизакор бир масканни тасаввур қиламиз.

Самарқанд деганда, кўҳна Афросиёб ҳудудидаги тарихий-маданий қатламларни ва яқинда очилган Кўктепа ва Сартепадаги ноёб ва бетакрор археологик топилмаларни кўз олдимизга келтирамиз.

Бу шаҳар қадим замонлардаёқ нафақат ушбу минтақа, балки Шарқда Хитой, жанубда Ҳиндистон, Ғарбда Миср ва Рим давлатлари билан савдо ва маданий алоқалар олиб борган цивилизация бешиги сифатида ҳар бир маърифатли одам, биринчи галда, жаҳон илмий жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиши муқаррар.

Бу заминда азалдан ҳунармандчилик ва деҳқончилик, суғориш маданияти шаклланганини, шаҳарга қувур орқали сув етказиб беришдек мураккаб муҳандислик иншоотлари, карвонсаройлар, ҳаммом ва шифохоналар мавжуд бўлгани бугун ҳам кўпчиликни лол қолдиради.

Миллий давлатчилигимизнинг тамал тошлари айнан шу ерда қўйилгани, Сўғдиёна ва Мароқанд номи билан машҳур бўлган давлатлар ва юксак цивилизациялар шу заминда барпо этилгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай бой ва бебаҳо меросга эга бўлган шаҳарлар дунёда камдан-кам топилади. Энг муҳими, Самарқанд ана шундай юксак цивилизация намуналари, нодир тарихий ёдгорлик ва обидаларни замонлар оша асраб келаётгани билан ўзига тенгдош бошқа шаҳарлардан ажралиб туради.

Чиндан ҳам, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам.

Шу маънода, Самарқанд тарихи она Ватанимиз тарихининг энг ёрқин, шонли ва шукуҳли саҳифаларини ташкил этади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айни пайтда тарихнинг ўзи бу азим шаҳар зиммасига Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлайдиган кўприк, Буюк Ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим чорраҳа бўлишдек улкан вазифани юклаганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Тарихий илдизларининг чуқурлиги ва қадимийлиги нуқтаи назаридан Самарқанднинг муборак номи Рим ва Афина, Бобил ва Фива каби кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Лекин улар орасида фақат Самарқанд ва Римгина "абадий барҳаёт шаҳар" деган номга сазовор бўлганини, жаҳон аҳли ўртасида "Ғарбда – Рим, Шарқда – Самарқанд" деган иборанинг кенг тарқалганини инобатга оладиган бўлсак, бу юксак эътирофнинг маъноси янада ёрқин аён бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Буюк шаҳарларнинг тақдири ҳеч қачон осон ва осуда кечмаганини барчамиз яхши англаймиз. Агарки Самарқанднинг салкам уч минг йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу шаҳар ҳам ана шундай қисматдан холи бўлмаганини, ўз бошидан не-не сурон ва тўфонларни ўтказганини кўрамиз.

Бу шаҳар олис ўтмишнинг турли даврларида жаҳонгирлик даъвоси билан майдонга чиққан Доро ва Александр Македонский, Чингизхон сингари кўплаб босқинчиларга қарши мардона курашган, ҳар қандай оғир фожиа ва синовларга бардош бериб, ўзининг бетакрор қиёфасини сақлаб қолишга эришган.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, юртимизни мўғул истилочиларидан халос қилиб, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган Амир Темур бобомизнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Албатта, бу буюк зот дунёнинг манаман деган бошқа шаҳарларини ҳам ўзига пойтахт қилиши мумкин эди. Лекин шавкатли бобомиз айнан Самарқандга меҳр ва ихлос қўйиб, уни жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш учун бутун борлиғини бағишлади.

Амир Темур Чингизхон босқини натижасида вайронага айланган Самарқанд шаҳрини обод қилиш ишларига ўттиз беш йил узлуксиз раҳнамолик қилди. Соҳибқирон бобомизнинг ақл-заковати, қатъият ва азму шижоати туфайли Самарқанд "ер юзининг сайқали" деган номга том маънода муносиб бўлган шаҳарга айланди.

Айниқса, бу улуғ зотнинг илму фан, касбу ҳунар, маданият ва санъат, дину диёнат ҳомийси сифатида амалга оширган ишлари бугун ҳам барчамиз учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Унинг ўз пойтахтида дунёда тенги йўқ улкан кутубхона барпо этгани, ана шундай маърифат масканларида тўпланган маънавий хазиналар нафақат Самарқанд, балки бутун Мовароуннаҳр ўлкасининг шуҳратини янада юксалтиришга асос бўлганига тарих гувоҳлик беради.

Бунинг тасдиғини, мана, 600 йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, Шарқ меъморлик санъатининг ҳақиқий мўъжизаси сифатида яшаб келаётган тарихий обидалар тимсолида яққол кўриш мумкин.

Албатта, бундай ўлмас обидаларни бунёд этиш учун моҳир уста ва қурувчилар билан бирга, математика ва геометрия, геодезия ва сейсмология, кимё каби фундаментал фанларни

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

***25 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Парламент юқори палатасининг аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи иш кунини «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Муҳокама чоғида улар Қонуннинг мақсади тармоқ стандартларини ушбу фаолият соҳасига тааллуқли Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, шунингдек, халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қонун энергетика ресурсларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги муҳим муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади. Киритилаётган ўзгартишларда шу нарса аниқлаштирилмоқдаки, энергетика ресурслари, оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, энергия ҳосил қилувчи ва энергия ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотлар энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича мажбурий сертификатланиши керак. Қонун атроф муҳитни, одамлар соғлиғини муҳофаза қилиш самарадорлигини таъмин этишга ҳам қаратилган бўлиб, унда, жумладан, стандартларда маҳсулотлар, атроф муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар бўлиши кераклиги, давлат органлари ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам бу талабларга риоя этиши шарт эканлиги белгиланган.



Сенаторлар «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонуннинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 28 мартда қабул қилинган

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ёқуб Мардонович **Зиёдуллоев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Берган аризасига биноан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин:

Лола Салиевна Муратова,
Аликул Гаппарович Бабакулов.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси — И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 август

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Рахимжан Абдихамидович **Мавлянов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси — И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 август

# ШАРҚ ГАВҲАРИ, ЗАМИН САЙҚАЛИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

пухта эгаллаган олим ва мутахассислар, уларнинг билим ва тажрибаси зарур бўлганини барчамиз яхши тушунамиз.

Мана шу ҳаётий заруратни чуқур англаган, илму фанни юксак қадрлаган Амир Темур бобомиз ўз пойтахтига дунёнинг турли минтақаларидан етук олим ва уламолар, меъмор ва муҳандисларни жалб этган.

Буни Самарқанд заминида фаолият кўрсатган Балхий ва Дамашқий, Бағдодий ва Марвазий, Тафтазоний ва Журжоний, Жазарий ва Шомий каби юзлаб алломаларнинг номлари ҳам исботлаб турибди.

Буюк бобоси бошлаган эзгу ишларнинг муносиб давомчиси бўлган Мирзо Улуғбек Самарқанд шаҳрида расадхона барпо этиб, ўзида минглаб юлдузларнинг самовий ҳаракатини акс эттирган, бугунги энг замонавий талабларга ҳам жавоб берадиган мукаммал астрономик жадвал яратди.

Улуғбекнинг теран тафаккури, интеллектуал даҳоси асрлар мобайнида нафақат Шарқ, айни пайтда Ғарб оламини ҳам ҳайратда қолдириб келмоқда. Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Европалик машҳур астроном Ян Гевелийнинг "Юлдузлар атласи" китобига илова қилинган расмда Мирзо Улуғбек Коперник ва Птоломей сингари буюк алломалар даврасида тасвирлангани бу улуғ инсонга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг нақадар юксак даражада бўлганини кўрсатади.

Буларнинг барчаси Амир Темур ва темурийлар сулоласи Ўрта аср Шарқ ренессанси деб ном олган ноёб жараёнга қандай буюк ҳисса қўшганидан далолат беради.

Самарқанд замини ўзининг ақл-заковати, маънавий жасорати билан ислом маданияти ва фалсафаси ривожида беқиёс ўрин тутадиган Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Қозизода Румий ва Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Абулайс Самарқандий ва Давлатшоҳ Самарқандий каби кўплаб азиз-авлиёлар, шоир ва алломалар учун камолот бешиги бўлиб хизмат қилгани ҳам айни ҳақиқат.

Қадрли ватандошлар!

Азиз меҳмонлар!

Халқимиз таъбири билан айтганда, тўй тўйга уланиб, Самарқанд шаҳрида бошланаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бугунги байрам билан қўшилиб, уйғун бўлиб кетаётгани ҳам барчамизни қувонтиради.

Азизларим, вақтнинг шиддат билан ўтишини қарангки, бу анжуманнинг ташкил топганига ҳам, мана, ўн йил бўлибди. Ўзида Шарқнинг қалби ва руҳини ифода этадиган, мумтоз мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжуманни айнан Самарқанд шаҳрида, унинг юраги бўлмиш мана шу бетакрор Регистон майдонида ўтказиб келаётганимиз бежиз эмас, албатта.

Самарқанд диёри азал-азалдан маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келгани тарихдан яхши маълум. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан бундан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най асбобининг топилгани, ҳеч шубҳасиз, бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" китобида Амир Темур томонидан уюштирилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, "Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди", деган маълумотларни келтиради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, бундан олти аср аввал айнан мана шу Самарқанд заминида мавжуд бўлган маданий анъаналар бугунги "Шарқ тароналари" фестивалининг руҳи ва ғояларига қанчалар уйғун ва ҳамоҳанг.

Бугунги тантанамизда ушбу фестивалга 50 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган 300 дан ортиқ қадрли меҳмонларимизнинг иштирок этаётгани бу байрамга алоҳида файзу тароват бағишлаб турибди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳеч кимга сир эмас, дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз остонасига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг барча иштирокчиларини ўз номимдан, халқимиз номидан "Гўзал Ўзбекистон диёрига, қадимий ва бетакрор Самарқанд заминига хуш келибсиз!" деб самимий кутлашга, уларга ижодий ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Мен дунёдаги қанча-қанча олис ва яқин мамлакатларда бўлиб, не-не буюк шаҳарларни кўриш бахтига муяссар бўлганман.

Лекин кўрганларимнинг барчасини қиёслаб, очиғини айтадиган бўлсам, Самарқанддек Оллоҳнинг назари тушган азиз ва табаррук шаҳарлар ер юзида саноқлидир.

Бу шаҳарнинг кўрку тароватi, беқиёс гўзаллиги ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин Самарқандни Самарқанд қилган — бу аввало, унинг кўпни кўрган, мард ва ориятли, бунёдкор ва донишманд халқи, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, саховатли Самарқанд замини неча асрлар давомида пок ва холис ниятли ҳар қандай одамни ўз бағрига олиб, барчага баробар ризқу насиба улашиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда қалбимдаги эзгу бир фикрни айтмасдан ўтолмайман. Бутун дунёдан Самарқанди азимга ташриф буюрадиган минг-минглаб инсонларни ўзига чорлайдиган нарса — бу фақат шаҳардаги ноёб меъморий обидалар, сўлим табиатгина эмас. Балки уларни бу ерда яшайдиган одамлар, уларнинг хушфеъллиги, меҳмондўстлиги, бетакрор либоси, ширин забони, бошқа жойда учрамайдиган, кўп тилларнинг гўзаллигини ўзида мужассам этган Самарқанд шеваси, мухтасар айтганда, Самарқанд аҳлининг миллий анъана ва қадриятларга содиқлиги ўзига тортади, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мустақиллик йилларида Самарқанднинг чиройига чирой қўшиш, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида қандай катта ишлар амалга оширилаётганидан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, шу заминда яшаётган инсонларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш мақсадида барпо этилган магистрал йўллар, майдон ва хиёбонлар, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, стадионлар, тиббиёт масканлари ва меҳмонхоналар Самарқанднинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Бу шаҳарнинг ўз тимсолида қадимий ноёб обидалар билан замонавий шаҳарсозлик ютуқларини ҳамоҳанг тарзда ривожлантириб бораётгани айниқса эътиборга сазовор.

Бошқача айтганда, тарихга ҳурмат туйғусини юрагида сақлаб, уни бугунги кун билан уйғунлаштириш, эртанги кунга интилиб яшаш — Самарқанд аҳлининг дунёқараши ва маънавий оламини белгилайдиган асосий мезондир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай гўзал фазилатлар соҳиби бўлган эл-юрт албатта ҳар қандай юксак эъзоз ва эҳтиромга арзийди.

Азиз дўстларим, биродарларим, сизлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон аҳлининг ана шундай ҳурмат-эътиборига доимо муносиб бўласиз, деб ишонаман.

Муҳтарам Самарқанд аҳли, қадрдонларим!

Мана шундай қувончли лаҳзаларда, аввало, барчамизни шундай ёруғ кунларга етказгани, Самарқанддек муқаддас диёрни бизга ато этгани, эл-юртимизни балоқазолардан асраб келаётгани учун Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклар эканман, шу қадрдон заминда — она шаҳримда туриб, оқкўнгил, меҳридарё Самарқанд элига, бутун халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Мана шундай умрбоқий шаҳарларни яратган, уларни даврлар синовидан безавол олиб ўтаётган халқимиз мангу яшасин, бахту саодати янада зиёда бўлсин!

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд, мустақил Ўзбекистон давлати дунё тургунча турсин!

(Давоми. Боши 1-бетда).

шарқона анъаналар асосида замонавий қиёфа касб этди.

Бугун Самарқандга келган ҳар бир сайёҳ Гўри Амир мақбарасига ошиқади. Оқсаройни кўрсам, дейди. Ҳазрати Хизр масжидидан туриб зумрад доналаридек терилган обидаларни ҳайрат билан томоша қилади. Қайта чирой касб этган Шердор, Тиллакори мадрасалари, Сароймулкхоним мақбараси қошида лол қолади.

Президентимиз Ислом Каримов Самарқандда юбилей муносабати билан амалга оширилган ишлар билан танишди.

Қутлуғ тўй муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Дунё донишлари "Инсоният тафаккурининг шоҳ асари" дея эътироф этган Шоҳи Зинда мажмуасининг нилий гумбазлари ярқираб, ўзгача жилваланди. Президентимиз қарорига мувофиқ 2005-2006 йилларда бу ерда амалга оширилган меъморий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, мажмуа атрофини ободонлаштириш ишлари бой тарихимиз, қадимий маданиятимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасидаги улкан ва ибратли қадам бўлди.

Айниқса, мазкур ёдгорлик мажмуи ва Бибихоним мадрасаси оралиғидаги "Чуқур бозор" ва унинг ён атрофидаги кўримсиз иморатлар ўрнида барпо этилган яшил майдон, тўлиқ қайта қурилган катта йўл мажмуа атрофини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Мотуридий зиёратгоҳи, Жомеъ масжиди, Бибихоним ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари ҳамда Улуғбек расадхонасини бир-бирига боғловчи кичик ҳалқа йўлининг қурилиши шаҳар аҳли ва сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратди.





Анча йиллардан буён тарихий обидалар ҳуснига соя солиб турган "Зарафшон" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бинолари ўрнида барпо этилган боғ Руҳобод майдонидаги фавворалар хиёбони билан уйғунлашиб, ажойиб манзара касб этди.

Тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари билан дунё аҳлини лол қолдириб келаётган Самарқанд истиқлол йилларида замонавий шаҳар сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Юбилей арафасида ўнлаб ижтимоий-маиший иншоотлар, кўркам боғ-роғлар, хиёбонлар, кўча ва йўллар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди. Айниқса, меъморий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш катта меҳнат ва маҳорат талаб қилишини, аввало, уларнинг асл илдизини топиш ва чуқур ўрганиш, манбаларини билиб, иш олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

Юртимиздаги, жумладан, Самарқанддаги қадимий обидаларни тиклашда айнан ана шундай йўл тутилгани ўз самарасини берди.

— Шоҳи Зинда каби улуғвор ва қадимий мажмуалар дунёда жуда кам, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Юбилей арафасида Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқа ва драма театри, А.Чехов номидаги рус драма театри, аэропорт, темир йўл вокзали ўзгача қиёфа касб этди. Бир неча шифо масканлари бунёд этилди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида ички йўналишларда Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари қатнови йўлга қўйилди. Эски шаҳар ҳудудидаги 45 маҳаллада газ, 53 маҳаллада электр энергияси таъминоти яхшиланди. Буларнинг барчаси Самарқандни янада обод ва кўркам шаҳарга айлантириш, халқ турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Тантанада сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо Жаъфар бин Ҳассан қадим Самарқанднинг дунё тамаддунида тутган ўрнига, илм-фан ва санъат ривожига қўшган ҳиссасига, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш борасидаги аҳамиятига юксак баҳо берди. Меҳнат фахрийси Иброҳим Раупов юртимизда миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

...Майдон узра карнай-сурнай садолари янграйди.

Театрлаштирилган томошада ер юзининг сайқали Самарқанднинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳамда бугунги куни бадиий лавҳаларда ифода этилди. Асосий саҳна Регистон майдони ўртаси ҳисобланса-да, мажмуа атрофида ҳам Самарқанднинг қадимий урф-одат ва маросимлари, ҳунармандчилик намуналари кўргазмаси намойиш этилди, ялла ва лапарлар янгради.

Куй қўшиққа, қўшиқлар рақсга уланди. Регистондан таралган наволарда эрк ва ҳурлик, юрт озодлиги ва ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч ва осойишта кунлар турмуши тараннум этилди.

Ватанимизнинг қадимий ва бетакрор ошёнида бошланган тўй шукуҳи барча қалбларга кўчди. Юртдошларимизда жаҳон цивилизациясига муносиб улуш қўшган шу муқаддас заминимиз, унда яшаб ўтган буюк аждодларимиз, қадим Самарқанд билан фахрланиш ҳисси яна бир карра ошди. Эртанги ёруғ келажагимизга бўлган ишонч мустаҳкамланди.

Байрам тадбирларига мушакбозлик ўзгача файз бағишлади.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ,**
**Тоҳир НОРҚУЛОВ**
**олган суратлар.**



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**
**ҚАРОРИ**

### Ўзбекистон Республикасининг Қирғиз Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Зиядулла Сагдуллаевич **Пулатходжаев** Ўзбекистон Республикасининг Қирғиз Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 август

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 16 августдаги Қарори асосида ишлаб чиқилган. Ушбу Қонуннинг мақсади жамиятнинг маънавий-ахлоқий устуворликларини ҳимоя этиш ҳамда ўсиб келаётган, навқирон авлод қимор ўйинларига жалб этилишига йўл қўймасликдан иборат. Қонун қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини расамадга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, ғаразли мақсадларни кўзлайдиган ҳамда ўсмирлар ва ёшларни қимор ўйинларига жалб этишга имкон яратиб берадиган бундай ўйинларни ташкил этувчиларнинг жиноий ва маъмурий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилганлигига алоҳида урғу берилди.



Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик кодексига, Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222–II-сонли Қарори билан тасдиқланган Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги, Қирғиз Республикасидаги, Сингапур Республикасидаги, Италия Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўн биринчи ялпи мажлисда ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳокама қилишда қарийб эллик нафар сенатор сўзга чиқди.

Сенаторларнинг аксарияти фикрича, парламент юқори палатасининг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилашга қарата кенг кўламда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ишига хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**
**ҚАРОРИ**

### Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Алишер Алахитдинович **Салахитдинов** Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 август

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**
**ҚАРОРИ**

### Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Отабек Хамидуллаевич **Акбаров** Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 август

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**
**ҚАРОРИ**

### Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Жахонгир Дунанович **Ганиев** Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 август

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**
**ҚАРОРИ**

### Ўзбекистон Республикасининг Сингапур Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Алишер Анварович **Курманов** Ўзбекистон Республикасининг Сингапур Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 август

Пойтахт вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ишларини бажариб,
муҳташам мактаб ва коллежлар, бошқа иншоотлар қураётган
«Бунёдкор» кўп тармоқли фирмаси жамоаси
мамлакатимиздаги барча бунёдкорларни, бутун халқимизни
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан қутлайди!

Биз қурган бинолар ҳамиша тинчлик-фаровонлик,
тараққиёт ва тўкинлик учун хизмат қилсин,
уларда билим олаётган ёшлар ўз юртининг фидойилари,
Ўзбекистоннинг фахри бўлиб дунёга юз тутсин!







«ГУРЛАН»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ
Ўзбекистон
халқини мамлакатимиз
Мустақиллигининг 16
йиллик
шодиёнаси билан
чин дилдан қутлайди!

Азиз юртдошлар!

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз равнақи йўлида
қилаётган фидокорона меҳнатларингиз баракали бўлишида тилакдошмиз.

Ҳар бир хайрли ишда ютуқларга эришишингизда
муваффақиятлар тилаймиз!

Оилаларингизга тинчлик-тотувлик, дастурхонингизга қут-барака тилаб
қоламиз. Соғлиқ, бахт-омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Ватанимиз осмони доимо мусаффо,
халқимизнинг толеи
баланд бўлаверсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!





***Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи номига хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, академик, илмий доираларининг таниқли намояндалари, маданият ва санъат арбобларидан кўплаб табрикномалар келмоқда. Улар ўз мактубларида Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларини билдиришлари баробарида инсоният цивилизациясининг тарихи ва бугунги ҳаётида ушбу кўҳна шаҳар тутган ўрин ва унинг аҳамияти хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам қаламга олишган.***

# ФАХР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

**Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) Бош директори Абдулазиз ибн Усман Тувайжирий** ўз мактубида, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Самарқанд асрлар давомида илм-фан ва маърифат маркази ҳисобланган. Бу шаҳарда ислом цивилизацияси ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари шаклланган. Бу тараққиёт минг йиллик меъморий ёдгорликларда ҳамда ислом тафаккури ривожланишига жиддий таъсир кўрсатган буюк илоҳиётшунослар қиёфасида ўз аксини топди. Имом ал-Бухорий, Маҳмуд аз-Замахшарий сингари ва бошқа мутафаккирлар ўзларининг бебаҳо мероси билан инсониятнинг етакчи алломалари сифатида эътироф топди.

Ишончим комилки, кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллиги байрамига бағишланган тантаналар ўзбек халқининг қадимги ва бой мероси билан ислом умматини ҳамда халқаро ҳамжамиятни кенг миқёсда таништиришга имкон бериши баробарида цивилизациялар ва маданиятлар ўртасидаги конфессияларaро тотувлик ва мулоқотни мустаҳкамлашга кўмаклашади».

**Араб университетлари иттифоқининг бош котиби Солиҳ Ҳошим** ўзининг 2005 йилги ташрифи чоғида Самарқанд билан бевосита танишган эди.

— Мен сизларнинг мўъжизавий мамлакатингиздаги қатор шаҳарларга, жумладан, Тошкент, Бухоро, Андижон сингари шаҳарларга боришга ҳамда республикада рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришларни ўз кўзим билан кўришга муяссар бўлганман, — дейди С.Ҳошим. — Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва очиққўнгиллиги мени ҳайратга солган эди.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Ўзбекистон халқига ўзимнинг чуқур ҳурматимни изҳор этаман, тинчлик ва гуллаб-яшнашини тилайман.

**Бельгиянинг Санъат ва тарих Қироллик музейи бош директори Анн Каен-Деле**:

— Самарқанд ўзининг бой тарихи, кўҳна ва беқиёс маданияти, маҳобатли майдон ва меъморий ансамбллари билан ҳанузга қадар жаҳон маданиятининг энг жозибали ёдгорликларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда, — дейди у. — Бу шаҳар ўзининг меъморчилиги, аҳолисининг кўп асрлар давомида орттирган урф-одат ва анъаналаридаги маданий хилма-хиллиги билан эътибор тортиб келади.

Том маънодаги бу эртакмонанд шаҳар Бельгиянинг Санъат ва тарих Қироллик музейини 2009 йили «Буюк Ипак йўлидаги Самарқанд» номли кўргазмани ташкил этиш бўйича лойиҳани бошлашга илҳомлантирди. Ишончимиз комилки, мазкур кўргазма нафақат Брюсселда, балки Европанинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам катта қизиқиш уйғотади.

«Умумбашарий аҳамиятга молик бўлган муҳим воқеаларни инсоният хотирасида муҳрлашга йўналтирилган барча ташаббуслар менда алоҳида ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғотади, деб ёзади **Польшанинг собиқ Президенти Александр Квасьневский**. Кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи нишонланиши худди ана шундай воқеалар сирасига киради.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд тарих ва бугунги кун ўртасидаги ноёб кўприкдир. У бугун ҳам бутун минтақа маданий ва илмий ҳаётининг муҳим марказларидан бири ҳисобланади.

2002 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонга буюрган расмий ташрифим чоғида Самарқандда орттирган таассуротларим худди кечагидек кўз ўнгимда. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакат раҳбариятига сидқидил ва самимий меҳмондўстлик учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этишни истар эдим.

Чин дилдан Самарқанд аҳлига ва бутун Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллайман. Ишончим комилки, Самарқанд ўзининг эркин тарихий йўлини давом эттиради ва ўз ривожланишида янги чўққиларни забт этади».

***Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд тарих ва бугунги кун ўртасидаги ноёб кўприкдир.***

**Франция Сенати раиси Кристиан Понселе**нинг ҳисоблашича, Самарқанднинг — дунёдаги энг кўҳна ва гўзал шаҳарлардан бири, жаҳонга машҳур цивилизация тарихий ва маданий марказининг 2750 йиллиги нишонланиши ўзбек халқи бой маданияти ва кучли тарихий анъаналарининг эркин тажассумидир.

— Юбилей жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистон ҳақидаги, унинг кўҳна ва бой тарихи тўғрисидаги билимларини кенгайтириши билан бирга бу эркин кунларнинг келгуси авлод хотирасида муҳрланишига ҳамда уларга Самарқанднинг буюк ёдгорликлари, жаҳон маданий меросининг том маънодаги бебаҳо дурдоналари тўлалигича, бус-бутун етиб боришига кўмаклашади, — дейди француз сиёсатчи.

«Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп асрлик тарихи билан фахрланишга ҳақлидир, деб ёзади **Лион (Франция) шаҳри ҳокими Жерар Колломб**. Самарқанд Буюк Ипак йўлидаги афсонавий шаҳар ҳисобланади. У ўта муҳим аҳамиятга молик маданий меросни ўзида мужассам этган.

ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатидан жой олган бу шаҳар ноёб гўша ҳисобланадики, унда кўплаб маданият ва динлар ёнма-ён яшаб келади. Шу билан бирга, бугунги Самарқанд замонавий Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб келаётган шаҳарларидан биридир.

Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини ушбу қутлуғ сана билан муборакбод этиш биз учун фахрдир. Ишончимиз комилки, юбилей тантаналари катта муваффақият билан ўтади».

— Самарқанд бутун Ўзбекистон сингари нафақат ислом цивилизацияси, балки жаҳон цивилизациясининг шаклланишида бебаҳо аҳамият касб этган, — деб ёзади **Россия муфтийлар Кенгаши раиси, муфтий Равил Гайнутдин шайх** ўзининг табрик мактубида. — Шу муносабат билан қайд этишни истардимки, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини россиялик мусулмонлар юксак адолат сифатида қабул қилишди.

Биз Ўзбекистоннинг муваффақиятларидан фахрланамиз, унинг буюк келажагига ишонамиз, қардош халққа тинчлик ва барқарорлик тилаймиз.

**Кавказ мусулмонлари бошқармасининг раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода** Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги билан бутун Ўзбекистон халқини қутлади.

— Бир-бири ўртасида кўп юз йилликлар мавжуд бўлган бу воқеаларнинг нишонланиши бир пайтга тўғри келгани Аллоҳнинг иноятидир, — деб ёзади Пошшозода ҳазратлари. — Зеро, бу давр тараққиёт йўлидан бораётган ва айни пайтда, ўзининг бой маънавий меросини кўз қорачиғидек асраётган, замонамизнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишда ундан оқилона фойдаланаётган буюк мамлакат тикланишининг давридир.

Яқинда чин дилимдан ўзимнинг иккинчи ватаним ҳисоблайдиган Ўзбекистонга бориб, мустақиллик йиллари давомида мамлакатда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришларнинг шахсан гувоҳи бўлдим. Мен халқларимизни асрий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туришидан фахрланаман. Ушбу кунда бизнинг қардош халқларимиз тинчлик ва аҳилликда яшашларини, янада гуллаб-яшнашларини тилаб қоламан.

**«Жаҳон» АА.**

# ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



*Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган санъат байрами бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, миллий телерадиокомпания, Оқсоқоллар Кенгаши, «Нуроний», «Маҳалла» ва халқаро «Олтин мерос» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 18 нафар нуроний ҳаваскор қатнашди. Улар куйлаган мумтоз ва халқ қўшиқларида Ватан, эл-юрт, ота-онага бўлган меҳру муҳаббат, садоқат ҳамда эъзоз тараннум этилди. Қорақалпоғистонлик 83 ёшли Орзигул Атамуротованинг «Дембермес», навоийлик Юсуфжон Мусаевнинг «Тасаддуққинам», тошкентлик Исмоил Умаровнинг «Ўзбекистон» номли қўшиқлари шинавандалар томонидан илиқ кутиб олинди.

Ҳаваскор фахрийларни ҳофиз Ҳасан Ражабий, халқ артистлари Фароғат Раҳматова, Коммуна Исмоилова, хизмат кўрсатган артистлар Икромжон Бўронов, Ҳадя Юсупова ва Холисхон Қодирова табрикладилар. Шунингдек, уларга байрам ташкилотчиларининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.



Ҳазрати Имом мажмуаси, Ўзбекистон давлат санъат институти ва Ўзбекистон давлат консерваториясига ташриф, Учтепа туманидаги «Кўкча Оқтепа» маҳалласида Тошкент шаҳри нуронийлари билан бўлган мулоқот уларда катта таассурот қолдирди.

**Г. ЙЎЛДОШЕВА.**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**
**М. АМИН (ЎзА) олган суратлар.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**МОЛИЯ ВА КРЕДИТ; ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ; БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ; АУДИТ ВА БОШҚА МУТАХАССИСЛИКЛАР**

бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган

**ИҚТИСОДЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Ишга қабул қилишда чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган ва банк тизимида иш стажига эга бўлган мутахассисларга устунлик берилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 112-60-65, 112-60-64.**



# «Хоразмавтотеххизмат»

## ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*Ўзбекистоннинг бунёдкор халқини энг улуғ ва азизу мукаррам байрамимиз —*

**Мустақилликнинг 16 йиллик**

**шодиёнаси билан чин дилдан муборакбод этади!**

**Озод юртимиз 16 йилда асрга татигулик катта тарихий йўлни босиб ўтди. Ватандошларимиз шу давр мобайнида машаққатли синовлардан ўтиш баробарида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор ҳисларини дилларида чуқур ва теран туйдилар.**

**Навқирон юртимизнинг иқтисодиёти кун сайин юксалиб бормоқда. Айниқса, машинасозлик соҳасида эришилган ютуқлар ниҳоятда салмоқлидир. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий машиналар хорижликларнинг эътиборини тортиб, меҳрини қозонганига анча бўлди.**

**Корхонамиз жамоаси ҳам Истиқлол йилларида катта ютуқларни қўлга киритди, ўзининг минглаб мижозлари ишончини оқлади.**

**Сизларга эзгулик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаши йўлидаги фидокорона ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз. Мустақилликнинг ҳар бир куни сизларга, барчамизга қувонч, омад келтирсин.**

*Азиз юртдошлар!*

*Истагимиз шуки, Ўзбекистон номи бахт*
*ва эзгулик диёри сифатида дунёга таралаверсин.*
*Йилнинг энг катта тантанаси омадлар,*
*бахт-саодат, фаровонлик тантанаси бўлиб қолсин!*




1189Н/1370



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев к., 1-«А» уйда жойлашган

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида, 2007 йилнинг 25 сентябрь ва 2, 9, 16, 23 октябрь кунлари соат 11.00 да сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

I. Савдода Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 9 октябрдаги 0621/8966-сонли ҳал қилувчи қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган ва «VITA POLIMER» ҚК кредиторларининг 2007 йил 14 августдаги йиғилиши қарорига кўра, «VITA POLIMER» ҚКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган «VITA POLIMER» ҚКнинг 29 номдаги мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.
*Бошланғич баҳоси — 442 153 057 сўм.*

II. Шунингдек, Тошкент вилояти Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2006 йил 22 ноябрдаги ҳукмига асосан хатланган, Қибрай тумани, «Салор» ҚФЙ, Ибн Сино кўчасида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш бино ва дўконлари.
*Бошланғич баҳоси — 82 345 000 сўм.*

Юқоридаги мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

*Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.*

**Телефон: 228-79-52.**
**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz**


«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси республика автомобиль транспорти соҳаси фахрийси **Жавлон Аҳмедович ШОРАҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5